

УДК 37.02

Dzhabborov Himmatillo Ismatilloevich
Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
Lecturer at the Bukhara Academic Lyceum of the Ministry
**ROLE AND ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGIES
IN INTERNAL AFFAIRS**

Keywords: information technology, software, cybercrime, database, source of information.

Annotation: This article discusses the role and importance of information technology in law enforcement agencies of the Republic of Uzbekistan.

Джабборов Ҳимматилло Исматиллоевич
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Бухоро академик лицейи ўқитувчиси
**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ**

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларида ахборот технологияларнинг тутган ўрни ва муҳим аҳамияти хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: ахборот технологияси, дастурий таъминот, кибержиноятчилик, маълумотлар базаси, ахборот манбаи.

Джабборов Химматилло Исматиллоевич
внутренних дел Республики Узбекистан
Преподаватель Бухарского академического лицея Министерства
**РОЛЬ И РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ВО
ВНУТРЕННИХ ДЕЛАХ**

Аннотация: В данной статье рассматриваются роль и значение информационных технологий в правоохранительных органах Республики Узбекистан.

Ключевые слова: информационные технологии, программное обеспечение, киберпреступность, база данных, источник информации.

Ахборот технологияси – объект, жараён ёки ҳодиса (ахборот маҳсулоти)нинг ҳолати тўғрисида янги сифатдаги ахборот олиш учун маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш ва узатиш воситалари ҳамда усулларининг мажмуидан фойдаланувчи жараён¹.

Ахборот технологияларининг қўлланиш натижалари ахборот маҳсулотларида ўз аксини топади. Ахборот маҳсулоти – ахборот жараёнларининг моддийлаштирилган натижаси, хужжатлаштирилган ахборот. Ахборот маҳсулотини маҳсулот шаклида тақдим этилган барча турдаги ахборот ресурслари, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базалари ва банклари ҳамда бошқа ахборотлар ташкил этади.

Ахборот технологияларининг мақсади, усул ва воситалари мавжуд. Ахборот технологияларининг *асосий мақсади* дастлабки ахборотни қайта ишлаш бўйича мақсадли ҳаракатлар натижасида фойдаланувчи учун зарур ахборотни олишдан иборатдир. Маълумотларга ишлов бериш ва уларни узатиш ахборот технологияларининг *усуллари* ҳисобланади. Ахборот технологияларининг *воситалари* – математик, дастурий, ахборий, техник ва бошқа воситалардир. Улар ёрдамида дастлабки ахборот сифат жиҳатидан янги ахборотга қайта ишланади.

Ички ишлар органларида ахборот технологиялари муҳим ўрин тутди. Ички ишлар органлари фаолиятида ахборот таъминотини жадаллаштириш, тезкор вазиятни тавсифловчи ишончли маълумотларни тизимлаштирилган ҳолда йиғиш, уларни ўз вақтида ва сифатли таҳлилини амалга ошириш бугунги кунда жинойтчиликка қарши курашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ахборот стратегик маҳсулотга, унга ишлов бериш

¹ Қосимов С.С. Ахборот технологиялари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006.

воситаларидан, жумладан компьютер техникасидан самарали фойдаланиш эса бошқарув масалаларини ҳал этишда ҳаётий заруратга айланди.

Ички ишлар органлари ихтиёрий бўлинмасининг фаолияти, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва очиш билан боғлиқ. Қонунни бузувчи субъектлар ҳақида маълумотларга эга бўлмасдан, мазкур масалани ижобий ҳал этиб бўлмайди.

Ички ишлар органларига тушадиган маълумотларнинг манбалари бўлиб алоҳида шахслар, меҳнат коллективлари, муассасалар (касалхоналар, судлар ва б.), ҳуқуқ-тартибот органлари ҳисобланади. Маълумотлар оғзаки хабар кўринишида ва ҳужжат (билдиргилар, баённомалар, хабарлар ва б.) шаклида тушади.

Ички ишлар органларида маълумотлардан алоҳида ходимлар, турли хизмат ва бўлимлар, Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва транспортдаги ИИБнинг Ахборот марказлари, таълим муассасалари фойдаланади.

Ички ишлар органлари фаолиятида қўлланиладиган махсус дастурий воситалар амалиётдаги муайян ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади. Уларнинг асосийларига:

- маълумотларга ишлов беришнинг автоматлашган тизимлари;
- автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари;
- автоматлаштирилган ахборот-маълумотнома тизимлари;
- автоматлаштирилган иш жойлари;
- автоматлаштирилган бошқарув тизимлари;
- автоматлаштирилган эксперт тизимлари;
- автоматлаштирилган қарор қабул қилишни қўллаб қувватлаш тизимларини киритиш мумкин.

Махсус дастурий-аппарат комплекслар турли хил турдаги: суд-баллистика, суд-хатшунослик, криминалистик, суд-автотехник ва бошқа экспертизаларни ўтказишда қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари ходимлари ҳар куни янгиланиб турадиган маълумотлар базаларидан замонавий компьютерлар ва алоқа воситалари орқали энг сўнгги маълумотлар билан танишиш ва улардан фойдаланиш имкониятларига эгалар. Бу эса қидирувдаги шахслар ва ўғирланган автотранспорт воситаларини тезкор аниқлашда катта кўмак бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири – ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдан иборат бўлиб, шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон (2017 йил 10 апрель) фармони билан тасдиқланган Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастурида ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш белгиланган.

Ҳозирги кунда Ички ишлар вазирлиги ва вилоят ички ишлар бошқармалари Ахборот марказлари замонавий компьютерлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланганлиги туфайли жиноятлар очилишининг натижалари юқори бўлиб, айбдорларнинг шахсларини аниқлашда эса тезкорликка эришилмоқда.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.: «Ўзбекистон», 2019 й.
2. Қосимов С.С. Ахборот технологиялари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006.

3. «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон (2017 йил 10 апрель).

4. Akadem.mvd.uz

5. Lex.uz

6. Norma.uz